O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

🥕 Тошкент Вилояти

2013-YIL 16-APREL, SESHANBA, 47 (8128)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ислом Каримов 2010 йилнинг апрель ойида расмий ташриф билан Россияда бўлди. 2012 йилнинг июнь ойида Владимир Путин расмий ташриф би-

лан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўгрисидаги декларация ва бошка бир қатор хужжатлар имзоланди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров жорий йилнинг 5 апрелида ташриф билан Тошкент шахрида бўлди.

Узбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, хукуматлараро ва идоралараро хужжатлар икки томонлама хамкорликшартномавийнинг хуқуқий асосини ташкил этади. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўгрисидаги шартнома ва 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифокчилик муносабатлари тўгрисидаги шартнома ўзаро хамкорликни ривожлантиришдаги асосий хужжатлар бўлиб, мазкур шартномаларда харбий-сиёсий, савдоиктисодий ва гуманитар сохаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу шартномаларда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш, шунингдек, терроризмга, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига, гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланишига хамда янги тахдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш

кўзда тутилган. Президент Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иктисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва гуманитар сохаларда хамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг бугунги холати ва истикболлари мухокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро ахамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожи, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг таркалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Узбекистон ва Россия рахбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар



доирасидаги хамкорлиги масалаларини кўриб чиқ-

Кенгайтирилган таркибдаги мухокамаларда асосий эътибор иктисодий хамкорлик масалаларига каратилди. Савдоиктисодий хамкорлик Узбекистон-Россия муносабатларининг мустахкам асосини ташкил этиши таъкидланди. 2012 йил якунлари бўйича ўзаро айирбошлаш хажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсиш 20 фоизга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 850 Россия-Ўзбекистон компанияси фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Россиянинг 100 дан ортик корхоналарининг ваколатхоналари рўйхатга олинган. Россияда Узбекистон капитали иштирокидаги 400 дан ортик компания фаолият олиб бормоқда. Узбекистон билан Россия ўртасидаги хамкорлик ёкилгиэнергетика сохасида фаол ривожланмоқда, Россиянинг йирик нефтьгаз компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Музокараларда тайёр махсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали сармоявий хамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, транспорт, транспорт коммуникациялари сохасида ўзаро хамкорликни кенгайтириш мухимлиги таъ-

Савдо-иқтисодий ва сармоявий хамкорлик, ёқилғи-энергетика комплекси хамда иктисодиётнинг бошка сохаларида ўзаро хамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Хукуматлараро иқтисодий хамкорлик комиссияси фаолияти доирасида

кўриб чиқилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда ушбу комиссиянинг 14- мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чогида комиссия фаолияти ва истикболдаги режалар мухокама этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, фанлар академиялари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустахкамлашни кўзда тутувчи гуманитар сохадаги хамкорлик масалалари

юзасидан фикр алмашди. Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иктисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия давлат нефты ва газ университети филиаллари муваффакият-

ли фаолият кўрсатмокда.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рагбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўгрисида битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иктисодий хамкорлик дастури, 2013-2015 йилларга мўлжалланган маданийгуманитар ва илмий-техникавий сохаларда хамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида атроф-мухитни мухофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида хамкорлик тўгрисида ҳужжатлар қабул килинди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч рухида ўтгани, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан томонларнинг позицияси хамда фикрлари бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг расмий ташрифи нихоясига етди. Ишчанлик мухитида ўтган музокаралар, имзоланган хужжатлар Ўзбекистон ва Россия кўп томонлама хамкорликни кенгайтириш, муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлидан бораётганини таъкидлаш учун асос бўла олади.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири. Тошкент-Москва-Тошкент



КИШЛОКЛАРИМИЗ ФАЙЗИ ЯНАДА ОШМІ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАХНАМОЛИГИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АСОСИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР, АХОЛИГА ҚУЛАЙ ЯШАШ ШАРОИТИ ЯРАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ

Ўзининг сўлим табиати, гўзал ва мафтункор гўшалари, бетакрор манзаралари билан барчани мафтун этадиган Паркент тумани бугунги кунда замонавий қиёфадаги, кўркам ва шинам уй-жойлари, обод қишлоқлари билан ҳам кўпчи-

ликни махлиё этмокда. ...Йўлимиз "Гулбог" массивига

тушди. Гулбоғ махалла фуқаролар йиғини худудида икки ярим мингдан зиёд ахоли истикомат килади. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларида уй-

жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтган давр мобайнида ушбу махаллада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кейинги йиллар давомида 66 оила янги уй-жойларга эга бўлди. Бу ерда ахолига барча шароит яратилган. Мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, мусика ва санъат мактаби, минибанк, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилган.

(Давоми 2-сахифада)

Сўз - халкаро конференция иштирокчиларига

АХОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш хамда ахоли хаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда элликка яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари хорижлик

Хуссайн Хасан ХУССАЙН, "Ал-Файсал" журнали бош мухаррири (Саудия Арабистони):

- Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тасаввуримдаги билан бугунги кўрганларим ўртасида улкан фарқ бор. Узбек халқининг мехмондўстлиги, багрикенглиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда турли миллат вакиллари ахил-иноқ, хамжихатликда хаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди. Мамлакатингизнинг бой тарихи, маданияти,

санъати, маънавий мероси бетакрордир. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани "Обод турмуш" махалласида барпо этилган замонавий уй-жойларни кўриб, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатингизда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳли учун қулайлиги бўйича шахарникидан колишмайдиган шартшароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётга-

мехмонларнинг айримлари билан сухбатлашди. нига гувох бўлдим. Айтиш жоизки, намунавий лойихалар асосида барпо этилган якка тартибдаги бундай уйжойлар қишлоқ ахолисининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат килади. Мамлакатингизда илгор архитектура услубида қурилган ана шундай замонавий уйлардан иборат, қишлоқ инфратузилмасини хосил қилувчи кўча ва йўллар, газ, электр, шунингдек, сугориш тармокларига эга янги массивлар кўпайиб бораётгани тахсинга лойиқ. Шинам, барча қулайликка эга бундай замонавий уйларни сотиб олиш учун фукароларга имтиёзли кредитлар ажратиш механизми яратилгани ҳам Ўзбекистонда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлардандир. Имтиёзли кредит бўйича қарзни коплаш даври 15 йил этиб белгилангани намунавий лойиха бўйича қурилаётган уй-жойларга ахолининг қизи-

қишини янада оширишга, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда бундай лойихаларни амалга ошириш борасидаги тажрибасидан бошка мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Лау Лок КУЕН, "QAF Brunei" capмоявий ва консалтинг компанияси

ижрочи директори (Бруней): Мамлакатингизнинг кишлок жойларида намунавий лойихалар асосида барпо этилаётган уйларнинг банклар томонидан ажратиладиган кредит хисобига сотиб олиш имконияти яратилгани ахоли учун жуда катта ёрдамдир. Фуқаролар учун уй-жой таъминоти масаласида яратилган бундай кенг қулайликлар дунё мамлакатларида жуда кам учрайди. Кўплаб давлатларда кўпчилик ахоли узок йиллар давомида ижара уйларда яшашга мажбур.

(Давоми 2-сахифада)

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Валенсия провинцияси (Халқ партияси) сенатори, Европа Кенгаши аъзоси Педро Аграмунт рахбарлигидаги Испания парламенти делегацияси 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида икки давлат рахбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги ўзаро хамкорликни барча жабҳада, жумладан, парламентаризм сохасида хам ривожлантиришда мухим хуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алохида таъкидланди. Икки томонлама

муносабатларнинг хукукий асосини мустахкамлашда парламентлараро ҳамкорлик хам мухим ахамият касб этади. Мамлакатларимиз олий конун чикарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари мухокама килинди.

Мехмонлар Ўзбекистон сайёхлик сохасида улкан

салохиятга эга эканини. мамлакатимизда сайёхларни жалб этувчи барча омиллар, хусусан, ноёб тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар, такомиллашган инфратузилма ҳамда тинчлик ва барқарорлик мустахкам эканини алохида қайд этдилар. Юртимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак бахо бердилар.

– Ташриф доирасида Узбекистоннинг бир катор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказиб, мамлакатларимиз ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожланти-

риш юзасидан фикр алмашдеди Педро Аграмунт. - Ўзбекистон хам. Испания хам сайёхлик сохасида хамкорлик бўйича катта салохиятга эга. Узбекистон билан қурилиш, дизайн, инфратузилма каби йўналишларда ҳам ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Испания делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири. Олмалиқ шахрида **"Ўзбекистон мадания**ти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Хаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси томонидан ташкил этилган хайрия форум-марафонининг Тошкент вилояти боскичи бўлиб ўтди.

ҚАРШИ MAPADOH

Унда етти минг киши иштирок этди. Минг нафардан зиёд қўллаб-қувватловчилар фаоллик кўрсатишди. Еши, жинси, ижтимоий мавкеидан қатъи назар, шахар ахолиси кўчалар бўйлаб оммавий югуришга

қўшилдилар. Форум-марафондан кўзланган мақсад кўкрак бези саратонига карши курашнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, хусусан, аёллар учун тиббий кўрик акцияларини ўтказиш, касалликка қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратишдир, - дейди "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси Тошкент вилояти бўлими рахбари Гулнора Тўхтаназарова. - Бу билан мутахассислар саратон касаллигининг олдини олиш мақсадида ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиш кераклиги ҳақида аёлларни огохлантирадилар, маммография ва онкологик текширувлар ўтказадилар, зарур дори-дармонлар билан таъминлайдилар.

Тошкент вилояти хотинқизлар құмитаси, Олмалиқ шахар хокимлиги ва "Хаёт учун!" уюшмаси ва бошқа хомийлар марафон голибларига эсдалик совгаларини топширдилар.

Иброхим ТОШЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Qishloq HAYOTI

НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР ҚИШЛОҚ АХОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ КИЛАДИ

(Боши 1-сахифада)

Ўзбекистонда қурилаётган уйларнинг лойихаси менда катта таассурот қолдирди. Улар мустаҳкам пойдевор устида кенг, ёруг ва замонавий услубда қурилгани, барча маиший қулайликларга, машина учун гаражга, ер майдонига эга эканини, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланганини кўриб, Ўзбекистон рахбариятининг мамлакат ахолисининг фаровон ва гўзал хаёт кечириши учун барча имкониятларни ишга солаётганига тасаннолар айтдим. Ушбу худудларда нафақат уйлар, балки кўплаб супермаркетлар ва дўконлар қурилгани махаллий ахоли эхтиёжларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент шахрини сайр қилиш, Мустақиллик майдонини, музей ва галереяларни томоша қилиш имконига эга бўлдим. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг сайёхлик борасидаги салохияти хам жуда юқори эканига ишонч хосил қилдим.

Сукхиндер Сингх ЖОХАЛ, Қишлоқ ва саноатни ривожлантириш тадқиқот марказининг лойиха рахбари (Хиндистон):

- Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Обод турмуш" маҳалласида бўлиб, Узбекистонда нафақат шаҳарларни, балки чекка худудларни хам ободонлаштириш, бундай жойларда намунавий лойихалар асосида уй-жойлар қуриш, инфратузилмани такомиллаштириш, ахоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишдим. Шуни алохида таъкидлашни истардимки, Узбекистонда барча имкониятга эга ана шундай якка тартибдаги замонавий уйларнинг 15 йил муддат билан кредитга берилаётгани тахсинга сазовордир. Халқаро конференцияга турли мамла-

(Боши 1-сахифада)

дан, гуваладан тикланган

паст-баланд уйлар ғариб

бўлиб турарди, - дейди Гул-

бог махалла фукаролар йи-

гини раиси Бехзод Эгам-

бердиев. - Юртбошимиз-

нинг қишлоқлар қиёфасини

тубдан яхшилашга қаратаёт-

ган эътибори туфайли ма-

ҳалламиздаги уйлар янги-

дан барпо этилмоқда.

эга уйларни кўрган хар қан-

дай кишининг бахри дили

қолишмайди, - дейди Бар-

- Янги, замонавий лойи-

Маҳалламизда пахса-

мутахассислари уй-жой харид қилиш бўйича юртингизда фукаролар учун яратилган имтиёзлар билан танишиб, ҳайратланмоқда.

Масъуда Алам ҚУРБОН хоним, Саудия Арабистони илмий ва академик доиралар вакили, Саудия Подшохи университети педагогика факультети вакили (Саудия Арабистони):

 Мазкур халқаро конференция доирасида мамлакатингизнинг чекка қишлоқларида барпо этилган намунавий лойиха асосидаги уй-жойларни бориб кўриш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Бу уй-жойлар халқингизнинг миллий ҳаёт тарзи, мамлакатингизнинг табиий ва иқлим шароитига мос, замонавий мухандислик коммуникациялари билан уйгун холда барпо этилаётир.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилган уй-жойлар билан танишиш, уй эгалари билан хам сухбатлашиш имконига эга бўлдик. Қишлоқ ахолисини янги уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилган қулайликлардан ахоли мамнун. Бу қувонч ва мамнунлик уларнинг юз-кўзида мужассам эди.

Тошкент шахридаги Хазрати Имом мажмуини ҳам зиёрат қилдим. Бу ердаги ноёб обидалар менда катта таассурот қолдирди Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов рахнамолигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алохида эътибор қаратилаётгани, улуғ аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар тахсинга сазо-

Гаспар Ж.Льянес Диас САЛА-ЗАР, Андалусия хукуматининг иқтисодиёт бўйича котиби (Ис-

- Улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистонда замонавий лойихалар асосида бунёд этилган уйлар ўзига хос меъморий ечими ва юксак сифати билан ажралиб туради. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Гулбог" массивида бўлиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилаётган янги уйжойлар лойихалари гоят пишик ва пухта яратилганига ишонч хосил қилдим. Лойихаларда оиладаги барча аъзоларнинг эхтиёжи инобатга олинган. Ушбу янги массивда уйжойлар билан бирга мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти, махалла идораси барпо этилган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, минимаркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Кенг, ёруг ва файзли кўчалар, ховлиларда яшнаб турган турли дарахтлар, гуллар бахри дилингни очади. Мамлакатингиздаги ободлик ва фаровонликни хар бир хонадон мисолида кўриш мумкин. Масалага бундай атрофлича ёндашув ахолига кенг кулайликлар яратиши билан бирга худудларни комплекс ривожлантиришда мухим ахамият касб этади.

Эндрю XHГ, «Tiong Seng Contractors Pte Ltd» компания-

си директори (Сингапур): Узбекистонда Президент Ислом Каримов рахнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасида ахоли фаровонлиги йилдан- йилга юксалиб бормокда. Бевосита ўзим кўрган жойлардан олган таассуротларим бунинг далилидир. Ўзбекистон рахбарияти томонидан қишлоқ жойларда уй-жой

чил татбиқ этилаётгани улкан ютукдир. Янги уйлар замонавий лойихалар асосида барпо этилаётгани, айниқса, аёллар меҳнатини енгиллаштиришга каратилгани билан алохида эътиборга лойик. Дунё кезиб, кўплаб мамлакатларда турли сохаларда амалга оширилаётган дастурлар билан танишман. Лекин бундай катта кўлам ва ҳажмдаги лойихани хеч қайси давлатда кўрмаган эдим. Қишлоқ ахолисига бундай қулай шароитлар яратилгани шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегараларни бартараф этишда мухим ахамият касб этади.

Александр Сефре ЗАНД, «Sefre Architects Research Group» компанияси бош ижрочи директори, Буюк Британия архитекторлари Қироллик институти аъзоси (Буюк Британия):

– Халқаро конференция доирасида Зангиота туманидаги «Обод турмуш» махалласида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шартшароитлар билан танишдик. Касбим архитектор бўлгани учун уйжой ва инфратузилма объектлари лойихаси, хоналарнинг жойлашуви ва кенглиги, деворларнинг баландлиги эътиборимни тортди. Яшаш учун катта қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилган. Яна бир мухим жихат: бу уйлар узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредити асосида берилаётганидир. Нархи хам арзон.

Ахмад Асрий Абдул ХАМИД, Саноат курилишини ривожлантириш кенгаши бош менежери (Малайзия):

– Узбекистон барча сохани уйғун ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмокда. Буни ижтимоий соҳа, жумладан, қишлоқ ахолиси хаёти сифатини яхшилаш ва фаровонлигини ошимисолида хам кўриш мумкин. Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги «Дўстлик» массивида барпо этилган янги уйларни бориб кўрганимизда шунга ишонч хосил қилдик. Қишлоқ ахолисининг барча қулайликка эга замонавий уйларда истиқомат қилаётгани қувонарли хол. Хонадонлар мамлакатингизда махаллий хомашёдан тайёрланган мебель ва маиший техника билан жихозланган. Бу Ўзбекистон барча сохада анча илгарилаб кетганини яққол намоён этади.

Лютгарт ДУСАР, «Living Stone» маркази лойиха менежери (Бельгия):

 Пскент туманидаги «Дўстлик» массивида барпо этилган замонавий уйлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Боиси, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича мутахассис сифатида кўплаб мамлакатларда бўлганман, аммо хеч қайси давлатда бу масалага Ўзбекистондаги каби ҳар томонлама чуқур ёндашилмайди. Мамлакатингизда қишлоқ массивларида замонавий уй-жойлар барпо этилиши билан бирга таълим, тиббиёт, спорт объектлари курилишига хам алохида эътибор қаратилаётгани менда хавас уйготди. Мазкур массивда ташкил этилган мини-банк ахолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун минимал фоиз ставкалари бўйича кредитлар бераётгани хам эътиборга лойикдир.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА. Мадина УМАРОВА, Сайёра ШОЕВА, Мехрибон МАМЕТОВА, Холмурод САЛИМОВ ёзиб олди.

Яшнар Холиқов. - Ёзнинг

жазирамасини ҳам, қишнинг

қировли кунларини ҳам шу

ерда ўтказдик. Барчаси биз

кутгандан ҳам яхши. Айниқ-

са, дам олиш кунлари кичик

томоркамизда экин экиш.

мева кўчатларини парва-

Тошкентда мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида "Давлат грантлари маблағларини мақсадли ишлатилиши мониторинги: амалиёт ва вазифалар" мавзуида онлайн видео семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ташкил этилди.

БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНИДА «УЧИНЧИ СЕКТОР» **ХИССАСИ**

Семинарда Адлия ва Молия вазирликлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фукаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Узбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон экологик харакати, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда оммавий ахборот воситалари ва-

Тадбирда сўзга чикканлар Президентимиз Ислом Каримов рахнамолигида фукаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари босқичма-босқич ҳамда тизимли амалга оширилаётганини таъкидлашди. Мамлакатимизда фукаролик институтларини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, "учинчи сектор"нинг босқичма-босқич ва эркин ривожланиши учун қонунчилик асослари яратилган. Бу эса, ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошка институтлари фаоллигини ошириш, фуқаролар онгу тафаккурида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлашда мухим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2008 йилдан буён давлат бюджетидан нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фукаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига 30 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Фонд томонидан эълон қилинган танловларда қозирги кунга қадар икки мингдан ортик нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари 2500 дан зиёд лойиҳалар билан иштирок этди. Улар орасидан 570 га яқин лойихалар қўллаб-кувватланди.

2011 йилдан буён эса нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ахамиятга молик лойихаларини амалга ошириш натижалари, ажратилаётган маблагларнинг манфаатли ишлатилиши устидан изчил мониторинг олиб бо-

Семинар давомида нодавлат нотижорат ташкилотларининг худудий вакиллари, шунингдек, давлат идоралари томонидан 2011 йилда қўллаб-қувватланган ва 2012 йилда тугатилган грант лойиҳалари билан боғлиқ масалалар атрофлича мухокама этилди. Хусусан, умумий қиймати 2,1 миллиард сўмни ташкил этган 140 дан ортиқ ижтимоий ахамиятга молик лойихаларнинг амалга оширилиши натижаларини ўрганиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир фукаролик жамияти институтларини ривожланириш борасида эришилган ютукларни холис бахолаш давлатимиз рахбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тизимли ва боскичма-боскич амалга ошириш, "учинчи сектор"нинг мазкур бунёдкорлик жараёнидаги муносиб хиссасини аниклаш масалалари билан долзарб ахамият касб этди.

> Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



ҳалар асосида қурилган уйи-Хар куни фарзандлариммиз шахар уйларидан асло нинг бирини боғчага, бирини мактабга кузатиб, но Мақсудова. - Уйимизга кўнглим тўқ ишга кетаман. боғча, мактаб, коллеж яқин. Турмуш ўртогим тадбиркор.

Ўзим эса ўқитувчиман. Бизга мана шундай шароит яратиб берилаётганидан нихо-

ятда мамнунмиз Дарҳақиқат, бугун чекка

қишлоқларда янгича кўриниш, янгича дид билан бунёд этилаётган замонавий уйлар юртимиз кўркига кун сайин кўрк бағишлаб, юртдошларимизда янгича турмуш кечириш маданиятини шакллантирмокда.

Янги, замонавий уйга кўчиб ўтганимизга бир йил-

ришлаш жуда марокли. Ха, бугун юртимизда бунёд этилаётган замонавий уйжойлар юртимиз жамолини

миз қалбида эртанги кун иштиёқини мустаҳкамлаб, эзгу ишларга чорламоқда. Инсонда эртанги кунга иштиёқ бор экан, нурли манзиллар сари интилаве-

Гулноза ТУРГУНБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

▼ МУТАХАССИС МИНБАРИ

ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ АГРОТЕХНИКА

Чигит экилган далаларга кучли ёмғир ёғиб ўтса, тупроқнинг уч сантиметргача қалинликдаги устки қатламида қатқалоқ пайдо бўлади. Чириндиси кам, унумсиз тупроқли пайкалларда қатқалоқ янада қалинлашиб кетади. Унинг тагида қолған тупроқ димиқади, нами тез буғланиб йўқолади, тупроқ ичига ташқаридан хаво кириши кескин камаяди. Натижада экилган чигитнинг ўз вақтида униб чиқиши, ёш нихолларнинг рисоладагидек ўсиб, ривожланиши қийинлашади. Энди униб чиқаётган нихолларнинг бир қисми нобуд бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун пайдо бўлган қатқалоқни тезлик билан йўқотиш талаб этилади. Бу тадбир ишчи органлари нинали дисклардан иборат МВН-2,8 ёки МВХ-5,4 русумли ротацион мотигалар ёрдамида амалга оширилади.

МВХ-5,4 мотига қатор оралари 60 ва 90 сантиметр бўлган далаларнинг олти қатордаги қатқалоқни юмшатиб кетади. Хар бир қаторга олтита нинали диск ишлов беради. Улар иккита ўққа енгил айланадиган қилиб учтадан шахмат тарзида ўрнатилган. Агрегат қатор оралари бўйлаб ҳаракатланганда диск ниналари бирин-кетин қатқалоққа санчилиб, уни синдиради, бўлаклайди, майдалайди ва юмшаган тупроқ зарраларини аралаштиради. Диск ниналари қатқалоққа шундай чуқурликда санчилиши керакки, токи бунда қатқалоқ тўла синсин ва бўлаклансин, аммо эндигина кўкариб чиқаётган чигит шикастланмасин. Ниналарнинг энг мақбул санчилиш чуқурлиги секция поводогидаги шпилькаларнинг жойларини алмаштириш, яъни пружинанинг дискага кўрсатадиган босим кучини ўзгартириш орқали ростланади.

Қамров кенглиги 2,8 метр бўлган ва нинали дискларнинг учта секциясидан иборат айланувчи осма МВН-2,8 ротацион мотига бир ўтишда учта қатордаги қатқалоқни йўқота олади. Диск ниналарининг тупрокка ботиш чукурлиги машина рамасидаги панжарасимон майдончага қўйиладиган юк оғирлигини ошириш ёки камайтириш йўли билан ўзгартирилади. Юк сифатида қопга солинган қум ёки тупроқдан фойдаланилса, унинг оғирлигини, яъни машинани ишлов бериш чуқурлигини ростлаш анча осонлашади

Иш сифатли бажарилиши учун машина рамаси тўгри, ниналар синмаган ва эгилмаган, дисклар ўз ўкларида бемалол айланадиган, барча бирикмалар маҳкам тортилган бўлиши лозим. Механизатор пайкал охирида ниналар орасига тиқилиб қолған ўсимлик қолдиқлари, хас-чўп ва майда тошларни олиб ташлаши керак.

Чигит тўла униб чиқиб, юзаси ёш нихоллар билан қопланган майдонлардаги каткалокни культиватор ёрдамида йўқотиш мақсадга мувофикдир. Бунда культиваторнинг ўртадаги иккита грядилининг ҳар бирига тўртта ротацион (нинали) ишчи орган (РИО), иккита чап ва ўнг кесувчи пичоқ ҳамда битта ўқёйсимон панжа бирин-кетин ўрнатилади. Чеккадаги грядилларга иккитадан нинали диск, биттадан пичоқ ва панжа кетма-кет жойлаштирилади.

Нинали дисклар ёш нихоллар қаторларидан 3-5 см. чеккага силжитиб,

пуштага 4-5 см. чуқур ботадиган қилиб ўрнатилади. Нинали диск ўқларини тез-тез мойлаб туриш керак. Акс холда, дисклар яхши айланмайди, ниналар қатқалоққа тўла санчилмайди, нина тишлари олдига қаттиқ тупроқ тўпланиб, ёш нихолларга шикаст етка-

Пичоқлар нинали диск жуфтининг орқасига 8-10 см. кенгликдаги химоя зонасини қолдириб, марзанинг ён томонларига 6-8 см. чуқурликда ишлов берадиган даражада ўрнатилади. Уқёйсимон панжалар эгат тубини 10-12 см. чуқурликда юмшатиб кетади.

Ишчи органларни бундай тартибда жойлаштириш ва ростлаш культивация пайтида ғўза қатор ораларидаги қатқалоқни тўла йўқотиш ва тупроқни қатламлаб юмшатиш, намликнинг буғланишини камайтириш ҳамда ёш нихоллар баравж ривожланишини таъминлайди.

Қатқалоқни юмшатиш анча нозик иш. Шу боис, агрегатларни бошқаришни тажрибали механизаторларга топшириш керак. Пировардида шуни айтиб ўтиш лозимки, кучли ёмгирдан сўнг даланинг яхши текисланмаган пастқам жойларига сув йиғилиб, кўлоблар хосил бўлади. Улар қатқалоқнинг хажмини хам, қалинлигини хам кўпайтириб юборади. Бунинг олдини олиш учун даланинг хамма четки томонларидан ташлама ариқчаларни очиб, сувларни ташқарига оқизиб юбориш чораларини кўриш зарур.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ, Узбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори. Андижон Вилояти

Олтинкўл туманидаги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлок хўжалик ходими Исматилло Қобулов рахбарлик қилаётган "Кўхна водий ишончи" фермер хўжалиги далаларида текис кўчат берган гўза эгатлари хавасимизни келтирди. Культивациядан сўнг тупрок янада майин бўлибди. Нихоллар чинбарг ёзиш арафасида.

ПУШТАГА ТУШГАН ЧИГИТ

ТЕКИС КЎЧАТ УНДИРИШ ИМКОНИНИ БЕРМОКДА

— Пушта олиш ўта муҳим тадбир, — дейди Исматилло Қобулов. — Уни кузда олиб, сув очган бўлсангиз янада яхши. Бахорда дехкончилик енгил кечади. Борона юргизиб орқасидан чигит экиб кетаверасиз. Пушта нами билан чигит унади, текис кўчат олинади. Айни вақтда нихоллар ривожи янада тезлашади. Чунки пуштага қуёш нури яхши тушади. Серёгин паллада эса чигит ёки нихол ивиб колмайди.

Мана шундай тартибда иш юритаётган Исматилло Қобулов ҳар йили баракали хосил олмокда. Хосилдорлик гектарига 40 центнердан ошади.

Олтинкўл туманидаги Валижон Икромов рахбарлик қилаётган "Моҳир соҳибкор мулки" фермер хўжалиги аъзолари 41,5 гектар майдонда пахта етиштиришади. Утган йили кузда 24 гектар майдонга пушта олиб қўйилганди. 10-15 март кунлари пушта борона қилиниб, плёнка остига чигит экилди. Уруг тупрокнинг табиий намига ундириб олинди.

Кузги пушта билан ба-

хорги пуштанинг фарқини бизнинг даламиз мисолида бемалол кўришингиз мумкин, — дейди Валижон. - 52 гектар майдонга бахорда пушта олдик. Имкон қадар ерга тезроқ чигит қадашга интилдик. Тупроқ остидаги чигит ердаги нам билан бўртдию, аммо тўлиқ униб чикишига ернинг нами етмади. Бунга қадар ўқариқ тортдик. Енгил сув қўйганимиздан сўнг эса эгатларда ипда тизилгандек кўчатлар пайдо бўла бошлади.

Фермер хамрохлигида майдонни кўздан кечирдик. Унинг таъкидлашича, бугунэрта олди майдонларда яганалаш тадбири бошланади. Ишчи кучи етарли. 10 кунда яганалаш нихоясига етади. Уртада культивация ва кетмон

чопиги давом этаверади. Ушбу туманда текис кўчат олган ва дастлабки ишловни бошлаб юборган фермерлар кўп. "Латифжон ери", "Тожибой Бўстон саховати", "Чашма", "Хосил мехнат кўрки" каби фермер хўжаликлари даласида хам ана шундай манзара — саф тортаётган нихолларни кўрасиз.



Бу каби эзгу ишларни Балиқчи туманида ҳам кўриш мумкин. Мазкур туманда чигит экиш ишлари тез ва сифатли бажарилганди. Текис кўчат олиш борасида хам илгорлик баликчиликларга насиб этиб турибди.

— Жойларда бўлганимизда кўряпмиз, эгатларга енгил сув бериляпти, — дейди мехнат фахрийси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Ахмаджон Хожиев. — Тупроқни қўзғаётган чигитга зигирча нам тегса кифоя. У тупрокни ёриб чиқади. Гап шундаки, чигит суви бериш ўта нозик бўлиб, сувчидан ўта хушёрликни талаб этади. Орқасидан культивация қилинса, тупроққа ҳаво киради. Кўчат текис унади. Текис кўчат эса мўл хосилга қўйилаётган тамалнинг мустахкамлигидан нишона.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. 2013 йил 16 апрель

TOURGHT ZABIAT AFPAP WHIBOPENTOIN БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎКИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ:

ПРОФЕССОРЛАР:

1. Дехкончилик ва мелиорация асослари кафедраси (0,5 вакансия); 2. Кишлок хўжалиги махсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси (0,5 вакансия); 3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (0,5 вакансия); 4. Ўсимликларни химоя қилиш кафедраси (0,25 вакансия); 5. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,25 вакансия); 6. Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси (0,25 вакансия); 7. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси (0,5 вакансия); 8. Ветеринария кафедраси; 9. Бухгалтерия хисоби кафедраси; 10. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси; 11. Олий математика, физика ва кимё кафедраси (0,5 вакансия); 12. Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,5 вакансия)

доцентлар:

1. Дехкончилик ва мелиорация асослари кафедраси (0,5 вакансия); 2. Ўсимликларни химоя қилиш кафедраси (0,25 вакансия); 3. Агрокимё ва тупрокшунослик кафедраси (0,75 вакансия); 4. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси; 5. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,5



вакансия); 6. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси (0,25 вакансия); 7. Машина-трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси (0,25 вакансия); 8. Ветеринария кафедраси; 9. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси (0,75 вакансия); 10. Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари кафедраси; 11. Гуманитар фанлар кафедраси (0,5 вакансия); 12. Фалсафа кафедраси.

КАТТА ЎКИТУВЧИЛАР:

1. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси (0,25 вакансия); 2. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси.

1. Ўсимликларни химоя килиш кафедраси (0,5 вакансия); 2. Агрокимё ва тупрокшунослик кафедраси (вакансия); 3. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси (ботаника фани): 4. Умумий техника фанлари ва хаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,25 вакансия); 5. Зоотехния кафедраси (0,75 вакансия); 6. Ветеринария кафедраси (0,5 вакансия); 7. Олий математика, физика ва кимё кафедраси (0,25 вакансия, кимё фани).

1. Инглиз тили кафедраси. Танлов учун хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2013 йил 16 майга қадар қабұл қилинади.

Талаб қилинадиган хужжатлар Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи холи ва мазкур кафедрада ишлаш үчүн тегишли олий маълумоти хакидаги дипломи ва катнашувчиларда илмий даража, илмий унвон шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган такдирда уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати, малака оши-

риш тўгрисидаги гувохномалар. Танловга тушган барча хужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чикилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг хужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (университет профессорўкитувчилари учун – очик машгулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўкув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов катнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошка ишлари тўгрисида хисобот беради.

Хужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: 100140, Тошкент-140, Тошкент

давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 260-46-80

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЯ ЮСТИЦИИ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

1. Строительство админстративного здания ЗАГС и нотариальной конторы в р/ц Китаб Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 676.868.190 сум без НДС, 812.241.832 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев.

2. Строительство админстративного здания ЗАГСа и нотариальной конторы в г. Шахрисабз Кашкадарьинской облас-

Стартовая стоимость заказчика составляет 762.418.990 сум без НДС, 914.902.784 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказ-

чиком 9 месяцев. 3. Строительство здания Нотариальной конторы №2 территории «Камолот» МФЙ в г. Шахрисабз Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 308.411.800 сум без НДС, 370.094.160 сум с НДС, срок окончания работ, установленный заказ-

чиком 4 месяцев. Финансирование проекта будет осуществляться за счет Собственных средств Министерства Юстиции Рес-

публики Узбекистан.

Заказчик: Управления юстиции Кашкадарьинской об-

Адрес: г.Карши, ул. Узбекистон, дом № 55. тел: (8375)

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Лот № 46-1. Капитальный ремонт «Дворец культуры» в г. Шахрисабзе Кашкадарьинской области.

Стартовая стоимость заказчика составляет 1.260.606.203 сум без НДС, 1.512.727.443 сум с НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 8 месяцев.

Лот № 46-2. Строительство магистральных водопроводных сетей от здания Шахрисабз телеком до мечеть Кукгумбаз в г. Шахри-

Стартовая стоимость заказчика составляет 797.338.125 сум без НДС, 956.805.750 сум с

Срок окончания работ, установленный заказчиком 4 месяца.

Финансирование осуществляется за счет: Местного бюджета. Заказчик: Инжиниринго-

вая компания Кашкадарьинского облхокимията. Адрес: г.Карши ул. «Узбе-

кистон Овози газетаси» дом 3. Тел.: 227-13-51, 227-18-51.

При прочих равных условиях предпочтение отдаётся субъектам малого бизнеса.

ции выступавщие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованием: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключе-

ние договора. При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на

СООБЩЕНИЯ АКЦИОНЕРАМ О ПРОВЕДЕНИИ

ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

Наблюдательный Совет СП ОАО "MARVEL JUICE Co"

сообщает о проведении годового общего собрания

акционеров, которое состоится 14 мая 2013 года

в 11 часов по адресу: г. Ташкент ул. Ниязбек йули, 1.

добавленную стоимость досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов - Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразования в строительстве, по адресу г.Карши Ханабадское шоссе дом 46a. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов 120000 сум. Оферты принимаются

организатором торгов по вышеуказанному адресу. Срок реализации конкурс-

ной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в здании заказчика по адресу — г.Карши ул. «Узбекистон Овози газетаси» дом 3.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ХОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: шакллантириш Тошкент вилоя-

ЎКИТУВЧИЛАР:

ЛОТ 24-2:

Лот-1. Наманган вилояти туманларида вертикал дренаж кудукларини реконструкция килиш ва куриш (14 дона). Буюртмачининг белгиланган

бошланғич нархи - 2 168 303 006 сўм (ККСсиз), ишларнинг тугалланиш муддати 15 ой. Лот-2. Фаргона вилояти Фаргона тумани Ахмадилло Сирожиддин СИУда коллек-

тор қуриш (Лағон, Оқтош ва **Калача кишлокларида).** Буюртмачининг белгиланган бошлангич нархи - 302 501 783 сўм (ҚҚСсиз), ишларнинг тугалланиш муддати 7 ой.

Диккат! Киймати 500 000 000.0 сўмгача бўлган объектлар бүйича танлов савдолари факат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади

Курилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармасини бошкариш Департаменти. Буюртмачи манзили: Тош-

